

**ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ТУРАЕВ АКРАМЖОН ИКРОМЖОНОВИЧ

**ТАҚСИМЛАНГАН ГЕНЕРАЦИЯ МАНБАЛАРИ АСОСИДА
ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Техника фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора (DSc) технических наук**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Science
(DSc) on Technical Sciences**

Тураев Акрамжон Икромжонович

Тақсимланган генерация манбалари асосида замонавий электр тармоқларини шакллантириш муаммолари ва ечимлари..... 3

Тураев Акрамжон Икромжонович

Проблемы и решения формирования современных электрических сетей на основе источников распределенной генерации..... 33

Turaev Akramjon Ikromjonovich

Problems and solutions in the development of modern power systems based on distributed generation sources..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 70

**ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ТУРАЕВ АКРАМЖОН ИКРОМЖОНОВИЧ

**ТАҚСИМЛАНГАН ГЕНЕРАЦИЯ МАНБАЛАРИ АСОСИДА
ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.DSc/T592 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.energetika.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муратов Хаким Махмудович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидов Шухрат Вахидович
техника фанлари доктори, профессор

Таслимов Абдурахим Дехканович
техника фанлари доктори, профессор

Садуллаев Насулло Нематович
техника фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

“O’zenergoingining” акциядорлик жамияти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти хузуридаги DSc.02/30.12.2021.T.143.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 21 ноябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 40. Тел.: (99855) 520-01-52; e-mail: energetika_in@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 40. Тел.: (99855) 520-01-52).

Диссертация автореферати 2025 йил 07 ноябр куни тарқатилди.

(2025 йил 06 ноябр даги 6 рақамли реестр баённомаси).



Х. М. Муратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ж. Н. Толипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, катта илмий ходим

О. Х. Ишназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясига автореферат)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергияга бўлган талабнинг ортиб бориши ва қайта тикланувчи манбалардан кенг фойдаланишни такомиллаштириш учун электр тармоқларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «... қайта тикланувчи энергия манбалардан электр энергияни ишлаб чиқариш йилига 10% га ўсиб келмоқда, шундан шамол ва қуёш энергетикасининг улуши 60% ни ташкил этмоқда. 2030 йилга келиб, нол эмиссия сценарийсида ишлаб чиқаришнинг 5500 GW дан ортигини қайта тикланадиган энергия манбаларини ташкил этиши белгиланган»¹. Бу борада, жумладан интеллектуал тармоқлар, марказлашмаган бошқарув моделлари, энергия сақлаш технологияларини ривожлантириш ва уларни моделлаштириш асосида барқарор тармоқ самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тақсимланган генерация манбаларининг электр тармоқларига самарали интеграциялаш, хусусан тақсимлаш электр тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш, уларни туғри бошқариш орқали кучланиш тебранишларини камайтириш ҳамда частота мувозанатсизлигида электр энергияси сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, замонавий интеллектуал бошқарув тизимларини энергия сақлаш технологияларини жорий қилиш орқали такомиллаштириш ва тақсимланган генерация манбаларини электр тармоқларига уйғун тарзда интеграция қилиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, тақсимланган генерация манбаларининг динамик моделларини такомиллаштириш усули, тақсимлаш электр тармоқларида реактив қувватни бошқариш усули ҳамда тақсимланган генерация манбасининг имкониятига қараб қувват балансини таъминлаш усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва паст кучланишли электр тармоқларига тақсимланган генерация манбаларини самарали интеграция қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2030 йилгача мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Ўтказиб бериладиган электр энергия миқдорини йилига 120 миллиард кВт*соатга етказиш ва республикада қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 54% га етказиш, ўзгарувчан ишлаб чиқариш қувватлари қўшилишини инобатга олган ҳолда электр энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш»² бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, тақсимланган генерация манбалари ва энергия сақловчи тизимларнинг тармоқдаги улушини кўпайтириш ҳамда

¹<https://www.iea.org/news/massive-global-growth-of-renewables-to-2030-is-set-to-match-entire-power-capacity-of-major-economies-today-moving-world-closer-to-tripling-goal>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

интеллектуал бошқарув технологияларини татбиқ этиш, жумладан тақсимланган генерация манбаларини самарали интеграция қилиш усуллари ишлаб чиқиш, илмий-техникавий ечимларни шакллантириш ва электр тармоқларига янги турдаги манбаларни самарали интеграция қилиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2023 йил 14 июндаги 247-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш тартибини белгилаш тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II «Энергетика, энергия тежамкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Энергетика тизимида тақсимланган генерация манбалари ва уларнинг иш режимларини ҳисобга олган ҳолда электр тармоқларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Stanford University (АҚШ), Tokyo Technology Institute (Япония), Georgia Institute of Technology (АҚШ), Imperial College London (Англия), Technical University of Munich (Германия), Tsinghua University (Хитой), Беларусия энергетика институти (Белоруссия), Delft University of Technology (Нидерландия), Олмота энергетика ва алоқа университети (Қозғистон), National University of Singapore (Сингапур), Kyoto University (Япония) ва бошқаларда амалга оширилмоқда.

Энергетика тизимида электр энергияси сифат кўрсаткичларини ўрганиш ва тармоқ турғунлигини ошириш бўйича дунё миқёсида жумладан, куйидаги муҳим илмий натижалар олинган: интеллектуал бошқарув алгоритмларини жорий этиш орқали тақсимланган генерация манбалари иштирокида тармоқ параметрларини барқарор ушлаб туриш мумкинлиги исботланган (Фраунгофер энергетика институти, Германия; Массачусетс технология институти, АҚШ); микроинвертор ва локал энергия сақлаш тизимларини биргаликда қўллаш асосида кучланишнинг тезкор тикланишини таъминловчи рақамли моделлар яратилган (Империял Колледж Лондон, Буюк Британия); паст кучланишли тармоқларда тақсимланган генерациянинг ўзгарувчан юкламаларга таъсирини аниқлаш ва оптимал бошқариш бўйича нейрон тармоқ

³ www.per.mit.edu, www.titech.ac, www.wikipedia.org, www.orbit.dtu.dk

моделлари ишлаб чиқилган (Цинхуа университети, Хитой); шунингдек, тақсимланган генерация манбалари интеграциясида частота барқарорлигини таъминловчи адаптив бошқарув стратегиялари амалиётга татбиқ этилган (Токио технологик институти, Япония).

Дунёда паст кучланишли электр тармоқларига уланадиган тақсимланган генерация манбаларининг ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган бир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда: паст кучланишли тармоқларда кучланиш ва частота барқарорлигини таъминлаш; тақсимланган генерация манбалари билан энергия сақлаш тизимларининг биргаликдаги ишини оптималлаштириш; интеллектуал бошқарув алгоритмлари асосида реактив қувват тақсимотини такомиллаштириш; локал юкламаларда энергия оқимларини рақамли бошқариш ва тармоқ йўқотишларини камайтиришга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Энергетика тизимининг замонавий электр тармоқларини бошқариш, қайта тикланувчи энергия манбаларини тизимга интеграциялаш, энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш, тақсимланган генерация манбаларини умумий иш режими самарадорлигини ошириш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Charlz Franklin Kettering, Kannan M. Krishnan, Wilsun Xu, Mani Venkatasubramanian, Chanan Singh, Liuchen Chang, Vijay Vittal, Prabha Kundur, Mladen Kezunovic, Mani Venkataramanan, Mohammad Shahidehpour, Arkady Pikovsky, Raja Ayyanar, George Gross, Yousef Mahmoud, А.Х. Аvezов, Г.А. Гараханова⁴ ва бошқалар.

Электр тармоқларига қайта тикланувчи энергия манбаларини интеграция қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Т.Х. Носиров, Р.А. Захидов, Х.М. Муратов, Ф.А. Хошимов, Ш.В. Хамидов, Т.Ш. Гайибов, О.Х. Ишназаров, А.Д. Таслимов. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тақсимланган генерация манбаларини тармоққа самарали интеграция қилиш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси энергетика тизимида тақсимланган генерация манбаларини кенг жорий қилиш ҳамда уларни самарали интеграция қилиш, тақсимланган генерация манбаларидан фойдаланиш орқали электр тармоқларини тубдан такомиллаштириш, турли энергия манбаларига эга тизимни шакллантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг салбий таъсирларини олдини олиш, қувват балансини

⁴Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи куйидагилар асосида амалга оширилди: Prabha Kundur "Power System Stability and Control" Toronto 1993; B. Zhang, P. Dehghanian and M. Kezunovic, "Optimal Allocation of PV Generation and Battery Storage for Enhanced Resilience," in IEEE Transactions on Smart Grid, vol. 10, no. 1, pp. 535-545, Jan. 2019; Y. Wang and V. Vittal, "Data Driven Real-Time Dynamic Voltage Control Using Decentralized Execution Multi-Agent Deep Reinforcement Learning," in IEEE Open Access Journal of Power and Energy, vol. 11, pp. 508-519, 2024; L. F. Wang, IEEE Transactions on Power Systems, Vol. 23, No. 3, August, 2008, pp. 1336-1345; M. Mao, P. Jin, N. D. Hatziargyriou and L. Chang, "Multiagent-Based Hybrid Energy Management System for Microgrids," in IEEE Transactions on Sustainable Energy, vol. 5, no. 3, pp. 938-946, July 2014;

таъминлаш бўйича тақсимлаш тармоқларининг имкониятларини ошириш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг “Электротехнологиялар ва энергетик ускуналарни эксплуатация қилиш” лабораторияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тақсимланган генерациялар асосидаги замонавий электр тармоқлари эксплуатация шароитларини шакллантириш муаммолари ва ечимлари» (2024-йил) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тақсимланган генерация манбаларининг электр тармоқлари учун интеграцияланган иш режими моделини яратиш, интеллектуал бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳамда актив ва реактив қувват балансини самарали бошқариш асосида замонавий электр тармоқларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тақсимланган генерация манбалари асосида замонавий электр тармоқларини шакллантиришда фойдаланиладиган усулларни таҳлил қилиш ва муаммоларни аниқлаш;

тақсимланган генерация манбаларининг паст кучланишли электр тармоқларида интеграцияланган иш режимини моделлаштириш;

замонавий электр тармоқлари учун асосланган илмий-техник ечимлар асосида тақсимланган генерация манбаларининг рақамли динамик моделларини такомиллаштириш;

паст кучланишли тармоқларда кучланишни ростлаш тизимини тақсимланган генерация манбаларининг реактив қуввати асосида такомиллаштириш;

тақсимланган генерация манбаларини марказлашмаган актив қувват балансининг бошқарув тизимига интеграция қилиш орқали тармоқ иш режимини яхшилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қуёш фотоэлектрик станциялари (ҚФЭС), шамол турбиналари (ШТ), дизель генераторлари (ДГ), энергия сақлаш тизимлари (ЭСАБТ) интеграциялашган, уларнинг хусусиятлари ҳамда параметрлари билан жиҳозланган тақсимлаш электр тармоқлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини тақсимланган генерация манбаларининг электр тармоқларига интеграция қилиниши, уларнинг бошқарув усуллари ва иш режимини такомиллаштирувчи параметрлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, оптималлаштириш, тажриба ва экспериментал тадқиқотлар, ҳамда имитацион моделлаштиришнинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

паст кучланишли электр тармоқлари учун тақсимланган генерация манбалари бирлашган иш режимининг математик ва рақамли модели тармоқ параметрлари асосида ишлаб чиқилган;

тақсимланган генерация манбаларини паст кучланишли электр тармоқларида оптимал ўрнатиш ва ўрнатиладиган қувватларини ҳисоблаш асосида тизимдаги ортиқча юкланишларни бартараф этиш усули ишлаб чиқилган;

тақсимланган генерация манбаларини самарали интеграция қилиш асосидаги умумий иш режимининг уланиш нуқтасидаги тармоқ параметрларини ҳисобга олган ҳолда Multi-Agent Systems тизимида ишлайдиган рақамли модели ишлаб чиқилган;

тақсимланган генерация манбалари орқали паст кучланишли электр тармоқлари кучланишини реактив қувват асосида бошқаришнинг интеллектуал тизими манбанинг реактив қувват имконияти ҳисобига такомиллаштирилган;

тақсимланган генерация манбаларини марказлашмаган актив қувват балансининг биринчи ва иккинчи поғонали бошқаруви тизимига манбанинг актив қувват имконияти асосида интеграция қилиш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тақсимланган генерация манбаларини электр тармоқларига интеграция қилиш ва интеллектуал бошқарувни таъминлаш учун математик моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

энергия сақлаш тизимлари (ЭСАБТ), қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚФЭС, ШТ) ва дизель генераторлари ўртасидаги ўзаро таъсирни яхшилаш учун марказлашмаган бошқарув механизмлари ва усуллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот давомида қўлланилган моделлар, алгоритмлар ва ҳисоблаш усуллари халқаро стандартлар, илмий тадқиқотлар ва реал электр тармоқларига оид маълумотларга асосланган. Таклиф этилган усуллар DIGSILENT PowerFactory- электр тизимларини моделлаштириш дастурида симуляция қилиш орқали текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тақсимланган генерация манбаларининг электр тармоқларига интеграциясини математик моделлаштириш, интеллектуал бошқарув тизимларини такомиллаштириш ва барқарор иш режими учун янги усулларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электр энергетика соҳасида реал вақтда марказлашмаган бошқарувни такомиллаштириш, тақсимланган генерация манбаларини тармоққа уйғун тарзда интеграция қилиш, электр тармоқ кучланиши ва барқарорлигини таъминлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тақсимланган генерация манбаларини орқали электр тармоқларини такомиллаштириш ечимларини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тармоқдаги ортиқча юкланишларни бартараф этиш учун тақсимланган генерация манбаларини оптимал уланиш нуқтасини аниқлаш усули “Бахмал туман электр таъминоти корхонаси”да жорий этилган (“Жиззах ҳудудий

электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил 23- ноябрдаги маълумотномаси). Натижада “Мугол” ПСнинг 10 кВ томонида жами 1600 кВт қувватли тақсимланган генерация манбаларини уланиши зарур бўлган ҳудудлар аниқланди. Бу орқали 4000 кВА қувватга эга трансформаторларнинг юкланишини 16% га ва электр узатиш тармоқларида йўқотишларни 6% гача пасайтириш имконини берган;

трансформаторлардаги ортиқча юкланишларни бартараф этиш учун тақсимланган генерация манбаларини ўрнатилиш қувватини аниқлаш усули ва алгоритми “RODMAN” МЧЖда жорий этилган (“Наманган ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил 10- ноябрдаги 35-25/4056- сонли маълумотномаси). Натижада умумий қуввати 1050 кВт бўлган тақсимланган генерация манбаларини ўрнатилиши “МегаТекстил” ПСда ўрнатилган 6300 кВА трансформаторни юкланишини 12% га, 10 кВ ва ундан паст кучланишли электр узатиш тармоқларининг йўқотишлари 7% гача пасайтириш имконини берган;

тармоқ параметрларини ҳисобга олган ҳолда рақамли динамик моделларни такомиллаштириш методологияси “Сурхондарё ҲЭТ” АЖда жорий этилган (“Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил 16- ноябрдаги № 39-20/9285 сон маълумотномаси). Натижада 35 кВ ва ундан паст кучланишли электр узатиш тармоқларининг йўқотишларини 6% га, 2500 кВА трансформатор юкланишини 18 % гача камайтиришга эришилган;

тақсимланган генерация манбаларини оптимал ўрнатиш ва ўрнатилиш қувватларини ҳисоблашнинг рақамли модели “Хоразм МЭТ” АЖда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ 2023 йил 5 декабрдаги 01-02-22/4924-сонли маълумотномаси). Натижада кутилаётган йиллик иқтисодий самарадолик 435 000 000 (тўрт юз ўттиз беш миллион) сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақолалар, жумладан 10 та республика ва 2 та чет эл илмий журналларида нашр этилган ва 2 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 195 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши

устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ҳамда синов натижалари кўрсатилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон энергетика тизими ва замонавий электр тармоқларида тақсимланган генерация манбаларининг ривожланиши”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон электр энергетика тизимининг ҳолати, мавжуд муаммолар таҳлили ва тадқиқот методологияси, замонавий электр тармоқлари ва тақсимланган генерация манбалари бўйича асосий тушунчалар, тақсимланган генерация манбаларини электр тармоқларига интеграциялаш бўйича жаҳон тажрибаси, замонавий электр тармоқларини шакллантириш, бошқариш ва қувват балансини сақлаш усуллари бўйича адабиётлар таҳлил қилинган.

Таҳлил натижаларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда ўрнатилаётган тақсимланган генерация манбалари билан боғлиқ муаммолар қуйидагиларни ташкил этмоқда:

- тақсимланган генерация манбаларининг иш режими истеъмолчилар талабига мос келмаслиги;

- тақсимлаш тармоқларида кучланиш оғишлари кузатилганда тақсимланган генерация манбаларининг тармоқдан узилиб қолиши;

- электр энергиясига талаб юқори бўлмаган тақсимлаш тармоқларида тақсимланган генерация манбаларининг ўрнатилиши оқибатида электр энергияси сифат кўрсаткичларининг пасайиши;

- бир фазага уланган тақсимланган генерация манбаларининг кўпайиши ва фазалараро носимметриянинг ҳаддан зиёд ортиши;


- тақсимланган генерация манбалари чиқиш параметрларининг тақсимлаш электр тармоғи параметрларидан кескин фарқ қилиши, натижада тенглаштирувчи ортиқча тоқларнинг ортиб бораётгани.

Юқоридаги муаммоларга тўғри ечим топиш тадқиқот ишимизнинг асосий натижаси сифатида баҳоланади.

1- расм тадқиқот методологиясини ифодалайди, бунда барча босқичлар кўрсатиб ўтилган ва жараён қандай амалга оширилиши изоҳлаб берилган.

Маълумотлар йиғиш босқичи:

Бу ерда асосий маълумотлар ва қайта ишланган маълумотлар тўпланган. Маълумотлар турли манбалардан олинган жумладан, МЭТ (Миллий электр тармоқлари), МДМ (Марказий диспетчерлик маркази), ХЭТК (Худудий электр тармоқлари корхонаси), ХС (Хизмат кўрсатувчи), А (Аҳоли). Аниқ маълумотлар олинган, масалан, ишлаб чиқариш қувватлари (ИЧГ), электр узатиш тармоқлари (ЭУТ), режадаги лойиҳалар (РЛ). Қайта ишланган маълумотларга эса ўрнатилган тақсимланган генерация манбалари (ЎТГМ), истеъмол ўзгариш графиги (ИЎГ), тақсимлаш тармоғи ва трансформаторлар юкланиши (ТТ ва Тр юкланиши), кучланиш тушуви (КЧ) (қайта чиқишлар), электр энергияси таъминоти узилишлари (ЭЭТЎ) киритилган.



1-расм. Тақсимланган генерация манбасининг қувват бошқарувидаги аҳамияти

Муаммоларни аниқлаш: Тўпланган маълумотлар асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш амалга оширилди. Ҳудудлардаги тақсимлаш тармоқлари ва трансформатор пунктларида ТГМга боғлиқ муаммоларни саралаш амалга оширилган.


Муаммоларни ҳал қилиш: Ҳудудлар бўйлаб ТГМ потенциали ва уни ўрнатиш имкониятлари аниқланган. ТГМ учун БТ (бошқарув тизими) қўлланилган ва бу орқали технологик ечимларга эришилган. Юқоридаги жараён кўзланган натижага эришилмагунча давом эттирилган.

Диссертациянинг “Тақсимланган генерация манбаларининг электр тармоқларидаги мустақил иш режимлари асосида умумий интеграция иш режимини моделлаштириш” деб номланган иккинчи боби кичик қувватли қуёш фотоэлектрик ва шамол станцияларининг паст кучланишли электр тармоғидаги аҳамияти ҳамда мустақил интеграция иш режимлари, энергия сақловчи аккумулятор батарея тизимларининг ишончли электр таъминотидаги аҳамияти ва мустақил иш режимлари, паст кучланишли тармоқларда тақсимланган генерация манбалари билан боғлиқ электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари ва тақсимланган генерация манбаларининг паст кучланишли тармоқларда умумий иш режимини моделлаштиришга бағишланган.

Умумий ишлаб чиқариш қуввати 100 кВт бўлган қуёш фотоэлектрик станциясининг PF DigSilent дастури ёрдамида яратилган модели 2- расмда кўрсатиб ўтилган. Электр тармоғига узатилган қувватни аниқлашда мавжуд математик моделлардан фойдаланилган, ҳамда якуний натижаларни олишда қўшимча ташқи муҳит шароитлари инобатга олинган.

Таҳлил натижалари ўзгартиргич орқали ўзгармас ток машинаси уланган 10 кВ ёпиқ тақсимлаш қурилмалари (ЁТҚ)га тегишли юқори гармоника сигналларини филтр ўрнатилгандан олдинги ва кейинги ҳолатини ифодалайди. 5-юқори гармоника сигнали 3,3 % дан 0,4 % га, 7-юқори гармоника сигнали 5,9 % дан 1,8 % га, 10-юқори гармоника сигнали 2,87 % дан

0,2 % га, 11-юқори гармоника сигнали 16,9 % дан 1,5 % га ва 13-юқори гармоника сигнали 4,6 % дан 1,4 % га пасайганлиги, ҳамда барча юқори гармоника сигналлари талаб даражасида эканлиги кузатилган.




2-расм. Моделлаштирилган ҚФЭС чиқиш параметрлари ва унга боғлиқ факторлар

Қуёш панелларининг ишлаб чиқариш қуввати W_p қуйидагича аниқланган:

$$W_p = \frac{G_p * W_{pmax} * \mu_p * \mu_i}{G_s} \quad (1)$$

$$W_{pu} = W_p * panel_{soni} \quad (2)$$

бу ерда W_{pu} - ҚФЭСда жойлашган барча панелларнинг умумий қуввати, $panel_{soni}$ -қуёш панелларининг сони, G_p -қуёш панелига тушаётган қуёш радиацияси (W/m^2), G_s -стандарт қуёш радиацияси, W_{pmax} -қуёш панелининг максимал ишлаб чиқариш қуввати, μ_p -қуёш панелининг фойдали иш коэффициенти, μ_i -инверторнинг фойдали иш коэффициенти.



3-расм. Кичик қувватли шамол турбинасининг кунлик генерацияси

3-расмда 1 кВт кичик қувватли шамол турбинасининг Жиззах вилояти худудларидаги кун давомидаги генерацияси тасвирланган. Унга кўра кун давомида шамол турбинасининг энг паст генерацияси эрталабги соат 7-8 ларга тўғри келмоқда ва бу соатига 0,1 кВтни ташкил этган.

Кичик ўлчамли энергиясини сақловчи батарея тизимлари (ЭСАБТ) (4-расм) одатда кундузги максимум бўлмаган вақтларда ортиқча электр энергиясини истеъмол қилиши ва кечаси қуёш фотоэлектрик станциялари бўлмаган вақтларда истеъмолчиларга қувват узатишини қуйидаги ифодалар орқали аниқлаштирилди.


$$W_{bess} = \max(W_{ist} - (W_{qtem} + W_t)) \quad (3)$$

бу ерда W_{bess} -аккумулятор батареясининг олиши керак бўлган электр энергияси, W_{ist} - максимум бўлмаган вақтларда керак бўладиган истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талаби, W_{qtem} - тақсимланган генерация манбаларидан олинadиган электр энергияси, W_t - марказий электр тармоқлари орқали берилаётган электр энергияси.

Аккумулятор батареясининг қувват олиш ёки узатиш имкониятини белгилашда қуйидаги ифодадан фойдаланилди:

$$W_{bess} = \max\left(\frac{|P_{besmak}|}{S_{bess} * H * \mu}, \frac{|P_{bessmin}|}{S_{bess} * H * \mu}\right) \quad (4)$$

бунда: P_{besmak} , $P_{bessmin}$ - бирлик вақт давомида максимал ва минимал қувват олиши ёки узата олиши, S_{bess} - аккумулятор захирасининг қиймати, μ - аккумулятор батареясининг фойдали иш коэффиценти, H - белгиланган қувватда аккумулятор батареясининг тўлиш муддати.




4-расм. ЭСАБТ чиқиш параметрлари ва истеъмолчилар талаби

Хонадонда ўрнатилган 1,3 кВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станцияси ҳамда ЭСАБТ қурилмасининг истеъмолчи талабини қондирилиши 4-расмда кўрсатилган, унга кўра тунги вақтларда ЭСАБТ томонидан истеъмолчи талаби тўлиқ қондирилмоқда. 2-холоат натижалари 1-холоат натижаларига нисбатан электр тармоқларининг турғунлиги жуда яхши эканлигини ва тармоқ талабларига тўлиқ жавоб беришини кўрсатади.

Тақсимланган генерация манбалари ёрдамида частота назоратини амалга ошириш самарали алоқа ва бошқарув тизимларини, шунингдек қайта тикланadиган энергия манбаларининг ўзгарувчанлигини бартараф этиш стратегияларини талаб қилади.

5-расмда таклиф этилган тақсимланган генерация манбаларининг умумий иш режими учун қандай тартибда уланиши кераклиги тасвирланган.

Айнан шу схема учун умумий иш режими параметрларини аниқлаймиз



5-расм. Таксимланган генерация манбаларининг умумий иш режимидаги уланиш схемаси

Топилиши керак бўлган қийматлар: Шамол турбинаси керакли актив қуввати $P_{ШТ}$, ЭСАБТнинг минимал керакли актив қуввати $P_{ЭСАБТ}$, тугунлардаги кучланиш қийматлари V_i , кучланиш бошқаруви учун керакли реактив қувват $Q_{компенсация}$. Бунинг учун маълум параметрлар сифатида юклама актив қуввати $P_{юк}$, қувват коэффициенти $\cos \phi$, дизель генератори актив ва реактив қуввати $P_{ДГ}$, ва $Q_{ДГ}$, дизель генератори частота параметрлари $f_{ДГ}$, ҚФЭС актив қуввати ва реактив қуввати- $P_{ҚФЭС}$ ва $Q_{ҚФЭС}$, тармоқ номинал кучланиши $V_{тармоқ}$, тармоқ актив ва индуктив қаршиликлари R ва X , тармоқ частотаси f_0 .

Барча манбалар ва юклама орасидаги актив қувват баланси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$P_{ҚФЭС} + P_{ШТ} + P_{ДГ} + P_{ЭСАБТ} + P_{тармоқ} = P_{юк} + P_{исроф} \quad (5)$$

бу ерда $P_{исроф}$ - тармоқдаги йўқотишлар

$$P_{исроф} = \sum_i^n I_i^2 R_i \quad (6)$$

Қувват балансининг узлуксизлиги қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{d}{dt} (P_{ген} - P_{юк} - P_{исроф}) = \alpha P_{ЭСАБТ} + \beta P_{ШТ} + \gamma P_{ҚФЭС} + \delta P_{ДГ} \quad (7)$$

бунда $\alpha, \beta, \gamma, \delta$ - статик қувват таксимоти коэффицентлари,

$P_{ген}$ - генерация қилинган қувват.

Электр тармоқларида ҳар бир тугунда кучланиш ўзгаришини ҳисоблаш:

$$V_i = V_{ном} - \sum_i^n \frac{P_{ij}R_{ij} + Q_{ij}X_{ij}}{V_j} \quad (8)$$

Реактив қувват баланси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Q_{компенсация} = Q_{юк} + Q_{исроф} - (Q_{ҚФЭС} + Q_{ШТ} + Q_{ДГ} + Q_{тармоқ}) \quad (9)$$

Кучланиш орқали реактив қувват компенсациясини ҳисоблаш учун:

$$Q_{компенсация} = \frac{V_{ном}^2 - V_i^2}{X_i} \quad (10)$$

Агар компенсация қилиш учун аккумулятор тизими ишлатилса, унинг реактив қуввати:

$$Q_{компенсация} = -Q_{ЭСАБТ} \quad (11)$$

$P_{тармоқ} = 0$ шартни қабул қиламиз ва шу орқали шамол турбинасининг қувват етишмовчилигини қоплаши учун зарур қувватни ва аккумулятор тизими қувват мувозанатини таъминлай оладиган минимум керакли қувватни қуйидагича аниқлаймиз:

$$P_{\text{ШТ}} = P_{\text{юк}} + P_{\text{исроф}} - (P_{\text{ҚФЭС}} + P_{\text{ДГ}} + P_{\text{ЭСАБТ}}) \quad (12)$$

$$P_{\text{ЭСАБТ}} = P_{\text{юк}} + P_{\text{исроф}} - (P_{\text{ҚФЭС}} + P_{\text{ДГ}} + P_{\text{ШТ}}) \quad (13)$$

бунда қайси манба иқтисодий самарадор эканлиги инобатга олинади:

$$P_{\text{ШТ}} C_{\text{ШТ}} + P_{\text{ЭСАБТ}} C_{\text{ЭСАБТ}} = \text{мин} \quad (14)$$

бу ерда $C_{\text{ШТ}}$ - шамол турбинаси қувватини ишлаб чиқариш нархи,

$C_{\text{ЭСАБТ}}$ - ЭСАБТдан қувват узатиш харажатлари.

ЭСАБТнинг энергияни реал вақтда баланслаш қобилиятини ҳисоблаш қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{d}{dt} P_{\text{ЭСАБТ}} = k_{\text{бериш}} (P_{\text{ШТ}} - P_{\text{юк}} - P_{\text{исроф}}) \quad (15)$$

бунда $k_{\text{бериш}}$ - ЭСАБТнинг заряд ҳолати коэффиценти.

Энг кам харажатли қувват тақсмотини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\text{мин}(P_{\text{ШТ}} C_{\text{ШТ}} + P_{\text{ЭСАБТ}} C_{\text{ЭСАБТ}} + P_{\text{ҚФЭС}} C_{\text{ҚФЭС}} + P_{\text{ДГ}} C_{\text{ДГ}} + P_{\text{тамоқ}} C_{\text{тармоқ}} + P_{\text{ШТ}} C_{\text{ШТ}}) \quad (16)$$

Чекловлар:

$$\begin{aligned} P_{\text{ҚФЭС}}^{\text{мин}} &\leq P_{\text{ҚФЭС}} \leq P_{\text{ҚФЭС}}^{\text{макс}} \\ P_{\text{ШТ}}^{\text{мин}} &\leq P_{\text{ШТ}} \leq P_{\text{ШТ}}^{\text{макс}} \\ P_{\text{ЭСАБТ}}^{\text{мин}} &\leq P_{\text{ЭСАБТ}} \leq P_{\text{ЭСАБТ}}^{\text{макс}} \end{aligned} \quad (17)$$

Бу модел тақсимланган генерация манбалари мавжуд паст кучланишли электр тармоқларида қувват манбаларини иқтисодий жиҳатдан самарали тақсимлаш учун ишлатиш учун тавсия қилинади.

Диссертациянинг “**Муаммоли тақсимлаш тармоқларини аниқлаш ва уларни тақсимланган генерация манбалари орқали такомиллаштириш усуллари**” деб номланган учинчи боби электр таъминоти тизимида ўта юкланишда ишлаётган трансформатор пунктларини ва тармоқларини аниқлаш, электр таъминотида кузатилаётган кучланиш тушуви мавжуд ҳудудларни саралаш, тақсимланган генерация манбаларининг жойлашув ва ўрнатилиш қувватини ҳисобга олган ҳолда ўта юкланишларни олдини олиш, ҳамда реактив қувват асосида тақсимлаш тармоқларидаги кучланиш тушувларини бартараф этиш методларини такомиллаштиришга қаратилган ечимларни шакллантиришга бағишланган.

1-жадвалда ҳудудлар бўйлаб аниқланган ўта юкланишда ишлаётган трансформаторлар келтирилди.

1-жадвал

Вилоятларда ўта юкланган трансформаторлар

№	ПС номи	U, кВ	Исроф, МВт	Тр қуввати, МВА	Юкланиш, %	
					Реал вақт	Башорат
Жиззах вилояти						
1	Туркман	35/10	0.06	2.5	170	220
2	Ровот	35/10	0.0008	4	108	140
3	Фориш	35/10	0.006	2.5	102	136
4	Даштобод	110/35/10	0.6	16	121	156
Хоразм вилояти						
1	Досов	35/10	0.07	2.5	Т-1 102	Т-1 133
2	Беруни	35/10	0.9	4	Т-1 100	Т-1 130

Вилоятларда паст кучланишли тақсимлаш тармоқларида аниқланган ўта юкланиш ҳолатлари 2-жадвалда келтирилган. Бу ҳудудлардаги кучланиш даражалари ҳам қониқарли ҳолатда эмас.

2-жадвал

Вилоятлардаги ўта юкланган тармоқлар

№	Тармоқ номи	U, кВ	Узунлик, км	Ном ток, А	Юкланиш, %	Исроф, МВт
Андижон вилояти						
1	Л-Яйилма-2	110	12	610	141	0.6
2	Л-Холдавонбек	35	13.01	280	163	0.41
3	Л-Бирлашган	110	40.41	280	109	0.26
4	Л-5X	110	11.06	380	106	0.06
5	Л-Бакиров	35	7.42	280	121	0.02
Қорақалпоғистон Республикаси						
1	Л-Орайлик	110	14.88	340	112	1.42
2	Л-Турткул-2	110	39.8	220	154	0.5

Паст кучланишли электр тармоқларида трансформаторларнинг ортиқча юкланишини ҳисобга олиб ўрнатиладиган тақсимланган генерация қувватини аниқлаш алгоритми б-расмда келтирилган. Унга кўра трансформаторнинг юкланиши нормал истеъмол даврида истеъмолнинг максимал қийматга эришганлигида, истеъмолнинг максимал даврида ўрнатилган батарея қурилмалари зарядланиш вақтида ҳамда тескари оқим вужудга келганда ҳисоблаб чиқилган. Қуйидаги ифодалар орқали ўрнатиладиган тақсимланган генерация манбалари қуввати аниқланган.

Трансформатор нагрукаси (YUK_{TR}) 100% дан ошганда ва истеъмолчиларнинг қуввати (P_{ist}) трансформатор номинал актив қувватидан (P_{TRnom}) катта бўлган ҳолат учун:


$$P'_{TG} = P_{ist} - P_{TRnom} \quad (18)$$

Трансформатор нагрукаси (YUK_{TR}) 100% дан ошганда ва истеъмолчиларнинг максимал қуввати (P_{istmax}) трансформатор номинал қувватидан (P_{TRnom}) катта бўлган ҳолат учун:

$$P'_{TG} = P_{istmax} - P_{TRnom} \quad (19)$$

Трансформатор нагрукаси (YUK_{TR}) 100% дан ошганда ва истеъмолчиларнинг максимал қуввати (P_{istmax}) билан аккумулятор батареяларининг зарядланиш қуввати (P_{BESS}) биргаликда трансформатор номинал қувватидан (P_{TRnom}) катта бўлган ҳолат учун:

$$P'_{TG} = P_{istmax} + P_{BESS} - P_{TRnom} \quad (20)$$



6-расм. Тақсимланган генерация қувватини аниқлаш алгоритми

Олдин ўрнатилган тақсимланган генерация қуввати (P_{TG}) билан аккумулятор батареяларининг зарядсизланиш қуввати (P_{BESS}) йиғиндисидан истеъмолчиларнинг максимал қуввати (P_{istmax}) айирмаси трансформатор номинал қувватидан (P_{TRnom}) кичик бўлган ҳолат учун:


$$P'_{TG} = P_{TG} + P_{BESS} - P_{istmax} - P_{TRnom} \quad (21)$$

Олдин ўрнатилган тақсимланган генерация қуввати (P_{TG}) билан аккумулятор батареяларининг зарядсизланиш қуввати (P_{BESS}) йиғиндисидан истеъмолчиларнинг максимал қуввати (P_{istmax}) айирмаси трансформатор номинал қувватидан (P_{TRnom}) катта бўлган ҳолатда трансформаторни алмаштириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолат учун ўрнатилиш қуввати қуйидагича бўлган аккумулятор батареялари зарур:

$$P'_{BESS} = P_{TG} + P_{BESS} - P_{istmax} - P_{TRnom} \quad (22)$$

Оптималь ўрнатилиш нуқтасини аниқлаш усулида 4 та турдаги тақсимланган генерация манбалари: қуёш фотоэлектрик станцияси, шамол турбинаси, дизел генератори ва энергия сақлаш тизимлари Жиззах вилоятида 0,4 кВ тақсимлаш электр тармоғига улаш учун 4 та турли уланиш нуқталари бўйича таҳлил қилинган. Бу усулда ТГМ нинг ўрнатилиш қувватлари аниқланган бўлиши талаб этилади.

Энг оптималь уланиш нуқтаси: 2-ҳолатда кузатилди, чунки бунда ўртача юкланиш 55,75% ни ташкил этади (7-расмга қаранг).




7-расм. Оптимал уланиш нуқтасини аниқлаш усули натижаси

X ўқи: генерация турлари – электр тармоғига уланадиган манбалар тури.

Y ўқи: уланиш нуқталари – генерация манбалари уланиши мумкин бўлган алтернатив жойлар.

Z ўқи: тармоқ юкланиши – ҳар бир генерация тури ва уланиш жойи комбинациясидаги электр тармоғининг юкланиш даражаси, (%).

8-расмда келтирилган трансформатор юкланиши ва актив, реактив қувват исрофларининг тақсимланган генерациялар манбалари ҳисобига ўзгариши юқорида келтириб ўтилган алгоритмнинг самараси ўлароқ баҳоланган.




8-расм. Трансформатор юкланиши ва қувват исрофининг тақсимланган генерация манбалари туфайли ўзгариши

Хоразм вилоятидаги баъзи подстанцияларнинг истеъмоли

ПС номи	16.07.2022, 9pm		16.07.2022, 2am		23.12.2022, 6pm		23.12.2022, 3am		ТР куват
	P МВт	Q МВар	ВА						
Хазорасп	5,1	1,5	3,4	0,9	6	1,8	3,8	1	6,3
	6,8	2,1	4,6	1,4	9	2,8	4,8	1,4	10
Беруни	5,3	2,5	2,2	1,7	5	1,5	3,4	0,9	6,3
	3,6	1,7	1,9	1,2	3	1	2,3	0,6	4
	1,1	0,3	0,9	0,2	1,1	0,3	0,5	0,2	1

Хоразм вилоятининг ҳудудий электр тармоқларидаги кучланиш тушуви мавжуд бўлган подстанцияларнинг юкланиши ёз ва қиш кунларидаги максимал, ҳамда минимал истеъмол даврлари 3-жадвалда келтирилди. Шунга таъкидлаш жоизки, бу ерда ҳам кучланиш тушувининг сабаби трансформаторларнинг ортиқча юкланиши эмаслиги аниқланди. Кўриб чиқилган бешта подстанциядаги ўнта трансформатордан атига биттасида кучланиш тушувининг сабаби трансформаторнинг ортиқча юкланишидир.




9-расм. Таксимлаш электр тармоғида ўтказгичлар ўзгарганда кучланиш тушуви ўзгариши (Жиззах ва Тошкент мисолида)

9-расмда Жиззах вилояти Зарбдор подстанциясининг Юксалиш, Хоқимият, Оқбулоқ, Нихол, Насилчилик ва Донхона фидерлари, ҳамда Бахмал

подстанциясининг деярли барча 10 кВ шинасидаги фидерлар бўйлаб кучланиш тушуви таҳлили келтирилган.

Нагрузки ва тақсимланган генерация манбаси мавжуд тақсимлаш тармоғидаги (10-расмга қаранг) кучланиш тушувини қуйидагича аниқланган:



10-расм. Тақсимланган генерациясининг кучланиш назоратига таъсири

$$\Delta U = U_1 - U_2 = \frac{R_{Tarmoq}(P_{yuklama} - P_{TG}) + X_{Tarmoq}(Q_{yuklama} - (\pm Q_{TG}))}{U_2} \quad (23)$$

бу ерда P_{TG} тақсимланган генерация манбалари узатадиган актив қувват, Q_{TG} тақсимланган генерация манбалари узатадиган ёки истеъмол қиладиган реактив қувват.

Тақсимланган генерация манбаларининг кучланишга таъсири қуйидагича аниқланган.

$$U_{2.1} - U_{2.2} = \frac{R_{Tarmoq}(P_{yuklama.2} - P_{TG}) + X_{Tarmoq}(Q_{yuklama.2} - (\pm Q_{TG}))}{U_{2.2}} - \frac{R_{Tarmoq}(P_{yuklama.1} - P_{TG}) + X_{Tarmoq}(Q_{yuklama.1} - (\pm Q_{TG}))}{U_{2.1}} \quad (24)$$

Тақсимланган генерация кўзгатиш тизимидаги td_{TG} сифим конденсаторларниқидан $td_{СК}$ анча тез ҳисобланади. Шу билан бирга трансформатор нагрузка остида кучланиш назоратидан $td_{ТР}$ ҳам анча кам вақтни талаб этади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагича:

$$td_{TG} < td_{СК} < td_{ТР} \quad (25)$$

Тақсимланган генерация манбалари иштироки билан бир қаторда трансформаторларнинг нагрузка остида кучланиш назорати ва сифим конденсаторлари орқали амалга ошириладиган кучланиш назорати қуйидагича амалга оширилган:

$$YOKR_{n+1} = \begin{cases} YOKR_n + 1 & \text{агар } U_{1,n} > U_{KO} \\ YOKR_n & \text{агар } U_{KP} \leq U_{1,n} \leq U_{KO} \\ YOKR_n - 1 & \text{агар } U_{1,n} < U_{KP} \end{cases} \quad (26)$$

$$SKS_{n+1} = \begin{cases} \text{УЛАНГАН} & \text{агар } SKS_n = \text{УЗИЛГАН} & Q_{TR,n} < Q_{ON} \\ SKS_n & \text{агар } Q_{ON} \leq Q_{TR,n} \leq Q_{OFF} \\ \text{УЗИЛГАН} & \text{агар } SKS_n = \text{УЛАНГАН} & Q_{TR,n} > Q_{OFF} \end{cases} \quad (27)$$


$$TG_{n+1} = \begin{cases} \text{УЛАНГАН} & \text{агар } TG_n = \text{УЗИЛГАН} & U_{TG,n} < U_{ON} \\ TG_n & \text{агар } U_{ON} \leq U_{TG,n} \leq U_{OFF} \\ \text{УЗИЛГАН} & \text{агар } TG_n = \text{УЛАНГАН} & U_{TG,n} > U_{OFF} \end{cases} \quad (28)$$

бу ерда $YOKR_n$ – трансформаторнинг n вақтдаги нагрузка остида кучланишни ростлаш поғонаси, U_{KP} - $YOKR$ нинг энг қуйи кучланиши, U_{KO} - $YOKR$ нинг энг юқори кучланиши, TG_n – фидердаги тақсимланган генерация манбаининг n вақтдаги ҳолати, SKS_n - подстанциядаги сиғим конденсаторининг n вақтдаги ҳолати, U_{ON} – фидердаги сиғим конденсаторининг уланган ҳолатдаги кучланиши, U_{OFF} - фидердаги тақсимланган генерация манбаининг узилган ҳолатдаги кучланиши, Q_{ON} - подстанциядаги сиғим конденсаторининг уланган ҳолатдаги реактив қуввати, Q_{OFF} - подстанциядаги сиғим конденсаторининг узилган ҳолатдаги реактив қуввати. Трансформатор ва сиғим конденсаторларининг кучланиш назоратидаги имкониятлари албатта чекланган, аммо тақсимланган генерация манбалари ёрдамида бу имконият қуйидагича ортади:

$$Q_{TG,k}|min \leq Q_{TG,k,t} \leq Q_{TG,k}|max \quad (29)$$

бунда $Q_{TG,k,t}$ – k тақсимланган генерация манбаининг t вақтдаги реактив қуввати узатиши, $Q_{TG,k}|min$ - k тақсимланган генерация манбаининг минимум қувват узатиши, $Q_{TG,k}|max$ - k тақсимланган генерация манбаининг максимум қувват узатиши.

11-расмда SG1100UD-20 инверторининг кучланиш ва реактив қувват ўзгаришларига қандай жавоб бериши кўрсатилган. Биринчи графикда 2 сонияда кучланишнинг 0,96 н.б га тушгани, 8 сонияда эса 1,06 н.б га ошгани, Бу инверторнинг кучланиш ўзгаришига бўлган реакциясини кўрсатади. Иккинчи графикда 4 сонияда реактив қувват кескин ошган ва 0,1 н.б гача етган, кейин 8 сонияда салбий қийматга тушиб, қайтадан тикланган. Учинчи графикда реактив қувватнинг 0,2 Mvarдан салбий қийматларга тушгани, кейин тиклангани кўрсатилган. Тўртинчи графикда q-axis кучланиш қиймати 1 н.б атрофида сақланган, лекин токнинг q-ўқи бўйича эталон қиймати салбий қийматларга тушган ва кейин қайта тикланган.



11-расм. Тақсимланган генерация манбасининг кучланиш назоратига таъсири

Диссертациянинг “Тармоқ параметрлари асосида тақсимланган генерация манбаларининг динамик моделларини такомиллаштириш” деб номланган тўртинчи боби куёш фотозэлектрик станциясининг, энергия сақловчи батарея ва бошқарув тизимининг, шамол турбинали станциянинг ҳамда дизел генераторларининг иш режими ва бошқарув тизимини моделлаштиришга бағишланган.

Бошқарув марказида таклиф этилган қийматлар 12-расмда келтириб ўтилган. Бошқариш тизимини моделлаштириш учун қуйидаги омилларни инобатга олган ҳолда, “Градиент тушиши” (Gradient Descent) усулидан фойдаланилган. Бунда қувват бошқарув тизимини симуляция қилиш дастуридаги "Controller" учун DSL (Dynamic Simulation Language) модели конфигурация экрани кўрсатилган. Ушбу моделни PI бошқариш учун қуйидаги параметрлар киритилган:

Бошқарув маркази		
Nom	Parametr	
Ti , Konvertor PI контроллери [с]	0,05	
Tfilter , PT1-филтр вақт доимийси [с]	0,006	
FRTen , Химояни ёқиш белгиси [0/1]	1	qref
LVRT_V , LVRT кучланиш пасайиши [pu]	0.7	
HVRT_V , HVRT кучланиш ортиши [pu]	1.1	
kfactor , k фактор [-]	3	
Pre , авариядан олдинги реактив токни инобатга олиш [0,1]	1	
vref0 , Фойдаланувчи томонидан белгиланган vref: =0, бошланғич терминал кучланиши =1, 1.0 p.u.	1	
Qpriority , Нормал ҳолат учун Q афзаллик [0/1]	1	pref
kdr , Хато давомидидаги амалдаги ток ортиши (FRT) [p.u./s]	10	prof
Tde1t , Вақт оралиги [с] 0,05	0.05	
Iqmin , Мин. реактив ток лимити [pu]	-1	
Irpmn , Макс. реактив ток лимити [pu]	0	
Iqmax , Макс. реактив ток лимити [pu]	1	
Imax , Макс. умумий ток [pu]	1	
Ipmx , Макс. актив ток лимити [pu]	1.1	csb

12-расм. ҚФЭС инверторининг базавий ва бошқарув тизими маълумотлари

Ti конверторнинг PI (Proportional-integral) бошқаруви учун интеграция вақт доимийси, 0,05 сонияга тенг. Tfilter тизимда сигналларни юмшатиш учун филтр вақт доимийси 0,006 сонияга тенг. FRTen нол ёки бирлик билан белгиланадиган белги, бу ўткинчи жараён функциясини ишга туширади, 1 (ишга туширилган) ҳолатда ўрнатилган. LVRT_V тизимда паст кучланишга мослашиш учун таъсир, 0,7 н.б га тенг. HVRT_V юқори кучланишга мослашиш учун таъсир, 1,1 н.б га тенг. Kfactor бошқарувда қўлланиладиган доимий қиймат 3 га тенг. Pre авариядан олдин реактив токни ҳисобга олиш ёки олмасликни кўрсатадиган белги 1 (ишга туширилган)да ўрнатилган. vref0 тугун кучланиши, 1,0 н.б га тенг. Qpriority оддий шароитларда реактив қувватга устуворлик беришни кўрсатадиган параметр 1 да ўрнатилган. kdr авариядан кейин актив токнинг ошиш тезлиги 10 н.б сонияга тенг. Tdelet тизимнинг қадамли вақт доимийси, 0.05 сония. Iqmin минимал реактив ток

чегараси -1 н.б. I_{pmin} минимал актив ток чегараси, 0 н.б. I_{qmax} максимал реактив ток чегараси 1 н.б. I_{max} абсолют энг кўп рухсат этилган ток 1,1 н.б. I_{rmax} максимал актив ток чегараси 1,1 н.б.

Бу параметрлар динамик ўзгаришлар пайтида (масалан, авариялар ёки одатий ҳолатда) конверторлар ва инверторларнинг симуляция қилинган ишлаш тартибини аниқлаш учун фойдаланилади. Тизимнинг кучланиш ўзгаришларига, аварияларга ва ток чегараларига қандай жавоб бериши белгилаб берилган.

4-жадвалда инвертор ҳимоя тизимининг таклиф этилган қийматлари келтирилган. PRTen ҳимояни ёқиш белгиси (1) билан тизим ҳимоя режимига киритилади. Tfilter PT1 филътрининг вақт доимийси (0,01 с) сигналларни филътрлаш учун қўлланилади. Кучланиш ўзгаришлари учун учта паст кучланиш поғоналари (UV1, UV2, UV3) ва уларнинг ўчириш вақтлари (1800000 мс, 3000 мс, 600 мс) белгиланди, бу эса паст кучланишларда қувватни ўчириш механизмларини ишга тушириш учун керак. Шунингдек, юқори кучланиш учун ҳам икки хил поғона (OV1 ва OV2) ва уларнинг ўчириш вақтлари (250 мс) белгиланди.

4-жадвал.


Инвертор ҳимоя тизимининг таклиф этилган қийматлари

PRTen ҳимояни ёқиш белгиси [0/1]	1,
T	0,01
U	0,9
tU1 ўчириш вақти [мс]	1800000
U	0
tU2 ўчириш вақти [мс]	3000,
U	0,15
tU3 ўчириш вақти [мс]	600,
O	1,1
tO1 ўчириш вақти [мс]	250,
O	1,15
tO2 ўчириш вақти [мс]	250,
U	49,5
tUF1 ўчириш вақти [мс]	1800000
U	48,
tUF2 ўчириш вақти [мс]	900000,
U	47,5
tUF3 ўчириш вақти [мс]	200,
U	47,
tUF4 ўчириш вақти [мс]	100,
O	50,5
tOF1 ўчириш вақти [мс]	1800000
O	51,
tOF2 ўчириш вақти [мс]	200,
O	52,
tOF3 ўчириш вақти [мс]	100,
O	52,
tOF4 ўчириш вақти [мс]	100,

Частота ўзгаришлари учун тўртта паст частота (UF1 - UF4) ва тўртта юқори частота (OF1 - OF4) поғоналари берилган, ҳар бир поғона учун ўчириш вақтлари ҳам кўрсатилган. Бу параметрлар орқали паст ёки юқори частоталарга нисбатан тизим қувватини қандай муддатда ўчириши белгиланган бўлиб, масалан, UF1 паст частота (49,5 Гц)да қувватни 1800000 мс (300 сония) ичида ўчиришни кўрсатади, бу эса узок муддатли паст частота ҳолатларига мослашувни ифода этади.



Техник параметр	Қиймат
Номинал қувват (кВА)	30
Номинал DC кучланиш	900 В
Номинал AC кучланиш	400 В (уч фазали)
Номинал частота	50 Гц
Ишлаш самарадорлиги	>95%
Ишлаш харорати	-10°Сдан +50°Сгача
PWM ўзгариш частотаси	2-15 Hz



13-расм. ЭСАБТ конвертори базавий ва бошқарув тизими маълумотлари

ЭСАБТда жойлашган инвертор қуввати, ўзгарувчан ток кучланиши, ўзгармас ток кучланиши ҳамда параллел уланган инверторлар сони базавий маълумотлар ойнасига 13-расмда кўрсатилганидек киритилади. Энергия сақловчи аккумулятор батареялари тизими (ЭСАБТ) иш режимини моделлаштириш учун унинг турли шароитларда қандай ишлашини инобатга олиб, квадратик оптималлаштириш (Quadratic Programming - QP) усули орқали такомиллаштирилган. Қуввати 30 кВА бўлган инвертор 0,4 кВ кучланишда ишлай олиши маълумотлар базасига киритилди.


5-жадвал.

Инвертор реактив қувват назорати таклиф этилган қийматлари

T _r Фильтр вақти доимийси, актив [с]	0,07
T _{rq} Фильтр вақтининг доимийси, реактив [с]	0,02
K _p Пропорционал фойда– id-PI- контроллер [н.б]	3
T _i Интеграция вақти доимийси – id-PI-контроллер [с]	0.2
A	0.2
K	2.5
T _{iq} Интеграция вақтининг доимийси – iq-I-контроллер [с]	1.3
i	-1
i	1
I	-1
i	1

Аввал бошланғич блокларда ўзгарувчан ток ва частота ўлчанган, улар бўйича маълумотлар частота бошқаруви ва PQ ўлчов блокларига узатилган. частотани бошқариш блогк тизимдаги частота ўзгаришларига қараб қувватни назорат қилади. Шунингдек, PQ назорат блоки актив ва реактив қувват ўртасидаги муносабатни бошқариб, тизимнинг энергия тақсимотини таъминлайди.

PWM конверторнинг PQ назоратида таклиф этилган қийматлари 5-жадвалда акс этирилган. T_r (0.07 с) ва T_{r_q} (0.02 с) — актив ва реактив қувват йўналишлари учун филтрларнинг вақт доимийси K_p (3 н.б) ва K_q (2.5 н.б) — актив ва реактив қувват бошқаруви учун пропорционал қувват коэффицентлари. T_{i_p} (0.2 с) ва T_{i_q} (1.3 с) — интеграция вақт доимийлари бўлиб, улар контроллерларнинг сигналларга жавоб бериш тезлигини аниқлаб беради. i_{d_min} , i_{d_max} , i_{q_min} , ва i_{q_max} — актив ва реактив қувват учун минимал ва максимал ток қийматлари.




14-расм. Шамол турбинаси ва бошқарув тизими маълумотлари

Шамол турбинасининг номинал қуввати, уларнинг сони ва турбинанинг қувват коэффицентлари базавий маълумотлар ойнасига 14-расмда кўрсатиланидек киритилади. Қуввати 800 кВА бўлган турбина 0,98 қувват коэффицентига ишлай олиши маълумотлар базасига киритилди. Шу ойнанинг ўзида шамол турбинасининг бошқарув модели ҳам жойлаштирилади. T_{aero} (1.2 с) — шамол тезлигини юмшатиш учун вақт доимийси бўлиб, шамол тезлиги ўзгаришларини қандай мослаштириш аниқланади. T_{ctrl} (2.6 с) — турбина бошқаруви ва қувват ишлаб чиқариш бурчагини бошқариш учун вақт доимийси. v_{nom} (12 м/с) — шамолнинг

номинал ишлаш тезлиги, яъни шамол турбинаси 12 м/с тезликда ишлаганда, у оптимал ишлаб чиқариш ҳолатида бўлади. v_{max} (22 м/с) — шамол турбинасининг максимал ишлаш тезлиги, бу шамол тезлиги 22 м/с бўлганида турбина тўхташи ёки ҳимояга кириши мумкинлигини англатади.

